

**«FARXOD DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2020 йил якунлари бўйича навбатдаги
умумий йиғилиши**
БАЁНИ

16 марта 2021 йил

Тошкент шаҳри.

«FARXOD DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2020 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Учтепа туман Чилонзор Г9А мавзесида, жамиятнинг маъмурий биносида 2021 йил 16 марта ўтказилди. Жамиятда овоз берувчи акцияларнинг умумий сони 43 787 455 тани ташкил этади. Умумий йиғилишда 43 514 800 та овозга эга бўлган Тошкент шаҳар Хокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар хокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович ва 1999 та овозга эга бўлган 4 та жисмоний шахслар-жамият акциядорлари қатнашди. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жами овозлар сони 43 516 799 та бўлиб, кворум 99,38 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда раисликни Ганиев Д.И. олиб борди.

Ганиев Д.И. умумий йиғилиш ўтказиш учун кворум 99,38 фоиз бўлганлигини ва йиғилишни очиш ҳақида таклиф тушганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга кўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилиш раиси Ганиев Д.И. йиғилиш раёсатига 3 киши: Ганиев Д.К., Камолов Т.К. ва Б.Сайдов номзодлари таклиф этилганлигини билдириб овозга кўйди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан номзодлар бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилишга котиб этиб Артиков А.А. номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Ганиев Д.К. йиғилишда акциядорлар хисобини олиб бориш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиши, овозлар сонини хисоблаш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан тузилган саноқ комиссияси таркибини тасдиқлашни айтиб, саноқ комиссияси номзодлигига таклиф этилган F.И.Хошимов, Г.Р. Фатхуллаева ва X.X. Турсуновларнинг номзодларини овозга кўйди.

Саноқ комиссияси таркиби бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Ганиев Д.И. йиғилиш кун тартибига Кузатув кенгаши томонидан куйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривоҷлантириши стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшигни.

2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиши.

3. Жамият тафтиши комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришига доир қонун ҳуқожатларида белгиланган талабларга риоя этишиши юзасидан хулосалари.

4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаши.

5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича фойда ва заарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режисси»ни ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режисси”ни тасдиқлаш.

7. Жамият директори билан тузилган шартнома муддатини узайтиши.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиши комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаши натижаларини кўриб чиқиши.

11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўлданадиган хақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириши киритиш ва тасдиқлаш.

13. Жамият Устав фондини камайтириш;

14. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш;

15. Жамиятнинг афилланган шахслари билан битим тузинини тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси Ганиев Д.И. кун тартибини тасдиқлаш учун овозга кўйди ва таклиф ииғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент хақида келишиб олинди.

Биринчи масала юзасидан - 15 минут, қолган маъruzalарга 5 минутдан, муҳокамада сўзга чикувчилар учун 5 минутгача вақт ажратишга келишиб олинди. Саноқ комиссияси раиси Г.Фатхуллаева томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенлар ёрдамида овоз бериш тартиби бўйича тушунтириш берилди.

Биринчи масала юзасидан жамият директори Б.Б. Сайдов сўзга чиқиб жамият ўтган йил давомида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПК-1326-сонли «Дехкон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2017 йил 29 марта «2017-2019 йиллар даврида дехкон бозорларини реконструкция қилиш ва улар худудида замонавий савдо иажиуалари қуриш дастурини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 августдаги «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 253-сонли қарори, Тошкент шаҳар ва Учтепа туман хокими қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК кўрсатма ва тавсиялари асосида олиб борганини таъкидлаб ўтди.

Бозор раҳбарияти ва ходимларининг асосий эътибори Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемияси туфайли эълон қилинган карантин даврида сотувчи ва тадбиркорларга, фермер хўжаликлари вакилларига, маҳсулот етиштирган дехқонларга ва харидорларга қулай шароитлар яратиш, сотувга чиқарилаётган маҳсулотларни сифатли бўлишига, нарх-навони сунъий ошиб кетишини олдини олишга, бозор санитария ҳолатини талаб даражада бўлишига, бозор худудида карантин талабларини тўлиқ бажарилишига қаратилди. Карантин даврида шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан хусусан картошка маҳсулотига бўлган талабини қондириш мақсадида маҳаллаларда, одамлар гавжум бўладиган жойларда кўчма савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Ўтган йилда бозор фаолияти мураккаб шароитда амалга оширилишга қарамасдан сотувчилар томонидан Савдо коидаларига риоя қилиниши, бозор даромадларини оширилиши, моддий-техника базасини мустаҳкамланиши, ноқонуний савдо ва хизмат кўрсатиш ҳолларини бартараф этилиши каби масалаларга алоҳида эътибор бериб келинди.

Жамиятнинг 2020 йилдаги молиявий якунлари қўйидагича бўлди:

бозорнинг жами даромад 8 165 676 минг сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 7.284 942 минг сўмга бажарилди, Шу жумладан: бир маротабалик жой ҳаки режадаги 3.439 000 минг сўм ўрнига 2 993 191 минг сўмга, хизмат ҳаки режадаги 1 825 000 минг сўм ўрнига 1 862 773 минг сўмга, автотуаргоҳ хизмати тушумлари режадаги 1.340 310 ўрнига 992 363 сўмга, инфратузилма тўловлари режадаги 452.176 минг сўм ўрнига, амалда 418 471 минг сўмга жами пуллик хизматлар режадаги 2 423 762 минг сўм ўрнига амалда 1.983 391 минг сўмга, арава хизмати режадаги 574 940 минг сўм ўрнига, амалда 567 182 минг сўмни ташкил этди. Жами бюджетга соликлар режадаги 2 209 774 минг сўм ўрнига 1 950 105 минг сўмни ташкил этди. Жамиятнинг соф фойдаси режадаги 2 395 278 минг сўм ўрнига 1 804 721 минг сўмга бажарилди.

Бозорнинг жами харажатлари режадаги 4 106 490 минг сўм ўрнига 4 045 503 минг сўмни ташкил этган яъни режага нисбатан 60 987 минг сўмга кам бўлган. Бозор маъмурияти томонидан дебитор ва кредитор қарздорликларни ўз вақтида бартараф этилиши натижасида муддати ўтган қарздорликларга йўл қўйилмаган.

Умумий йиғилишда жамият томонидан 2020 йилда олинган соф фойдани тақсимлашда қўйидагиларни эътиборга олишни сўрайман. Бугунги кунгача Тошкент шаҳар хокимининг 2020 йил 12 июнданги 532-сонли қарори ижросини таъминлаш, “Экобозор” қурилишини молиялашга хокимият улушига ажратилган дивиденд хисобидан жами 1046 220 582 сўм маблағ ўtkазиб берилди. Соф фойданинг захира фондига ўтказилиши лозим бўлган қисмидан (90 250 000 сўм) қолган 668 250 083 сўмини бозор моддий-техника базасини мустаҳкамлашга розилик бериш сўралади.

Бозорда қишлоқ хўжалик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони сунъий рaviшда ошиб кетиши олдини олиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. “Элга хизмат Фарход Файз” МЧЖнинг савдо шоҳобчаларида доимий рaviшда асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арzonлаштирилган нархларда савдода бўлиши, чеm мамлакатлардан арzonлаштирилган нархларда картошка маҳсулотини келтириб сотилиши бозорда ушбу маҳсулотларга нарх-навони мұттадил сақланишига олиб келди. Байрам олди ва байрам кунлари шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун қишлоқ-хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Маълумки, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўrsatiшни яхшилаш, бозорни замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолга келтириш, кўшимча иш ўринлари яратиш, бозор даромадларини ортириш мақсадида 2020 йилда 100 та замонавий савдо дўконлари ва савдо расталари қурилиши режалаштирилган эди. Курилиш ишларини қонунийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар Учтепа хокимлигининг, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК раҳбариятининг розилиги олинган, қурилиш масаласи жамият кузатув кенгashi ва акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилган, Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг Хулосаси ва Рухсатномаси олинган. Курилиш хужжатлари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган. афсуски, карантин туфайли, ва юзага келган баъзи сабаблар туфайли қурилиш ишлари вақтинча тўхтатиб кўйилган. Курилиш ишлари жорий йилда олиб борилади деб умид қиласиз.

Бозорда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, айниқса карантин қоидаларига риоя қилиш, кўнгилсиз воқеаларни олдини олиш, хушёлик ва огоҳликни таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси асосида ишлар амалга оширилди, 2020 йилда бозорда хавфсизликни таъминлаш бўйича ИИБ патрул-пост хизматининг 9 та ходими, миллий гвардия ходимлари фаолият юритиб келди. Бозор томонидан молиявий таъминланган ҳолда ИИБнинг профилактика нозири фаолият юритмоқда. Бозорда хавфсизликни таъминлашни янада юқори даражага кўтариш мақсадида кўшимча рaviшда 3 та профилактика инспектори ва бозор ичкариси ва ёндош худудларда транспорт харакатини тартибига солиш мақсадида 2 та йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимини бозорга бириктириш таклифи киритилди.

Бозорда сотувчи ва харидорлар фикрини ўрганиш, бозор фаолияти бўйича билдирилган мурожаат, ариза, шикоятларни тахлил қилиш мақсадида маҳсус хона ажратилиб жамоатчилик штаби ташкил этилган. Бозор радиоузели орқали сотувчи ва харидорлар учун турли мавзуда эшиттиришлар, эълонлар, табриклар, миллий мусика оҳанглари бериб борилмоқда.

Жамият Кузатув кенгашининг хисоботи кўриб чиқилди ва 2020 йил давомида Кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг ҳар чоракдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари кўриб чиқилгани, бозор молиявий ҳолатини барқарорлигини таъминлаш мақсадида катта маблағ талаб этадиган сарф-харажатлар Кузатув кенгашида муҳокама қилиб борилгани, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талаблари асосида жамият масъул ходимлари томонидан ишлаб чиқилган 2021 йилнинг “Бизнес-режа”си 2020 йилнинг 26 ноябрида Кузатув кенгаши томонидан муҳокама қилиниб маъқуллангани ва бугунги акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилаётгани, Кузатув кенаши томонидан Республикада коронавирус пандемияси туфайли карантин эълон қилинган мураккаб вазиятда бозорни талаб даражада фаолият юритиши устидан доимий назорат олиб борилгани, 2021 йилнинг 16 мартада ўтказиладиган акциядорларнинг 2020 йил якунларига багишланган навбатдаги умумий йиғилиши

мухокамасига киритилаётган барча хужжатлар Кузатув кенгаши мажлисида дастлабки тарзда кўриб чиқилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш раиси ҳисоботларни тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Иккинчи масала юзасидан сўз жамиятнинг 2020 йил фаолияти бўйича аудиторлик текшируви ўтказган «FTF-LEA-FUDIT» МЧЖ аудиторлик агентлиги аудитори Р.Сабировага берилди. Аудитор сўзга чиқиб, “Фарход дехқон бозори” АЖнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якупнари бўйича 2021 йилнинг 16 февраляда тайёрланган хulosада жамиятнинг молиявий ҳолати бухгалтерия хужжатларида ҳаққоний акс эттирилгани, жамият томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига тўлиқ жавоб беришини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш раиси аудиторлик хulosасини тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Учинчи масала юзасидан жамият Тафтиш комиссияси раиси Г.Иброгимова сўзга чиқиб, мажлис қатнашчиларини жамият Тафтиш комиссиясининг ўз ваколатига киритилган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этиши юзасидан тайёрлаган хulosаси билан таништириди. Хulosada, “Фарход дехқон бозори” АЖнинг 2020 йил якупнари бўйича молиявий ҳисоботи унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттириши ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келишини таъкидлаб ўтди ва умумий йиғилишга тасдиқлаш таклифини киритди.

Йиғилиш раиси Тафтиш комиссияси хulosасини тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Тўртинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси Н.В.Ким жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича тайёрланган жамият йиллик баланси билан кенгаш аъзоларини таништириди ва тасдиқлаш таклифини киритди.

Йиғилиш раиси жамиятнинг йиллик баланси ва йиллик ҳисботини тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Бешинчи масала мажлис раиси жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил 6 марта даги қарорида жамият томонидан 2020 йилда олинган 1 804 720 665 сўм соф фойдани куйидагича тақсимлаш тақлифи киритилганлигини билдириди:

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги қонунининг 2-бўлими 34-моддаси асосида соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаган қисми, яъни 90 250 000 сўми жамиятнинг захира фондини шакллантиришига.

- Жамиятни ривожлантиришига- 90.250.000 сўм;

- қолган соф фойда яъни 1624220665 сўм акциядорларга 2020 йил якуни бўйича дивиденд тўлашига йўналтириши

Йиғилиш раиси жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Олтинчи масала юзасидан жамият директори Б.Б.Сайдов, жамият бош муҳосиби ва А.Артиковлар сўзга чиқишиб, жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган “Бизнес-режа”си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар смета”си 2020 йил 26 ноябрда Кузатув кенгашининг мажлисида муҳокама қилиниб маъқуллангани ва тасдиқлаш учун умумий йиғилиш муҳокамасига киритиш ҳақида қарор қабул қилинганини таъкидлаб ўтди. 2021 йилга “Бизнес-режа”ни ишлаб чиқиша асосий эътибор бозор даромадларини ошириш, 2021 йил 19 февралда Тошкент шахар ҳокимининг 203-сонли қарори билан янги оширилган тўлов микдорлар асосида тўловларни ундириш, харажатларни имкон даражасида камайтириш, янги хизмат турларини жорий этиш каби масалаларга қаратилди. Бозорларни янги солик тизимиға ўтиши муносабати билан “Бизнес-режа”га ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва умумий йиғилишдан тасдиқлаб бериш тақлифи киритилади.

Йиғилиш раиси жамиятнинг “Бизнес-режа”си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Еттинчи масала юзасидан жамият мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил 6 мартағи йиғилишида “Фарход дехқон бозори” акциядорлик жамияти директори Б.Б. Саидов меҳнат фаолиятини 1987 йилдан бошланганлиги, 2006-2011 йилларда “Фарход дехқон бозори” АЖ Савдо-харид корхонаси мудири, 2011-2014 йилларда “Бешёғоч дехқон бозори” МЧЖ директори, 2014-2016 йилларда “Фарход дехқон бозори” АЖ директори, 2019 йилда “Чилонзор дехқон бозори” МЧЖ директори, 2019-2021 йилларда, хусусан бугунги кунгача “Фарход дехқон бозори” АЖ директори лавозимида фаолият юритиб келаётганини, жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил 14 майдаги қарори билан лавозимидан четлатилгани, суднинг қарорига кўра лавозимига тикланиб, 2021 йил 9 февралдаги жамият кузатув қарори билан жамият директори сифатида фаолият олиб бораётгани, Учтепа туман прокуратураси томонидан “Farxod dehqon bozorgi” АЖ мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва бошқа моддалар билан 262622/2020-31 VF –сонли жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари тамомланиб, тўпланган ҳужжатлар Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судида кўриб чиқилаётгани, Б.Саидовнинг меҳнат шартномаси узайтирилса жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган заарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик килиши ёхуд жиноий фаолиятини давом эттириши хавфи борлиги, шу сабабли, унинг меҳнат шартномасини узайтираслик ҳамда унинг мажбурий прогул вақтидаги ойлик иш ҳақини жамият ҳисобидан қоплаб бериш маъқулланганлигини билдирид ҳамда мажлис қатнашчиларидан фикр билдиришларини сўради.

Йиғилиш раиси бошқа таклиф ва саволлар бўлмаганлиги сабабли акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Саккизинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, Тошкент шаҳар ҳокимияти жамиятнинг 43 514 800 дона яъни 99,377 фоиз акциясига эгалик қилиши, Тошкент шахар ҳокимининг 2018 йил 16 ноябрдаги “Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК ташкил этиш ҳақидаги 1637-сонли қароридан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг 63-моддасига асосан жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзолигига Марказ тавсияси билан қуидаги номзодларни киритиш таклиф этилган: Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директори Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Ижрочи директори Ирматов Мурод Абдуқаҳаровиҷ, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директори ўринбосари Акбарходжаев Лазизхон Туралович, “Фарход дехқон бозори” АЖ акциядори Туляганов Фарход Файзуллаевич, “Паркент универсал савдо комплекси” АЖ кимматбаҳо қофозлар бўйича мутахассис Норхўжаев Нозимхўжа Абдуқодир ўғли.

Йиғилиш раиси жамият кузатув кенгашига таклиф этилган номзодлар бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида кумулятив овоз бериш йўли билан овозларини қайд этишларини сўради.

Тўққизинчи масала юзасидан жамиятнинг қимматли қофозлар мутахассиси А.А.Артиков сўзга чиқиб, жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамият уставига мувофиқ З кишидан иборат бўлишини билдириб, унинг таркибиға қуидаги номзодларни киритишни таклиф этди: Ибрагимова Гулчехра Махкамовна- “Эски жува дехқон бозори” АЖ қимматли қофозлар мутахассиси, Строгих Венера Салаватовна- “Элга хизмат Фарход фарз” МЧЖ бош бухгалтери, Алимова Мохира Мирилиевна- жамият акциядори.

Йиғилиш раиси жамият Тафтиш комиссиясига таклиф этилган номзодлар бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Ўнинчи масала юзасидан жамиятда Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун <https://exarid.uzex.uz/> сайтида ўрнатилган тартибда эълон жойлаштирилганлиги, ушбу эълонга асосан “FTF-LEA-FUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг таклифи кенгац томонидан маъқулланганлигини айтди ва “FTF-LEA-FUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятда ўтказилган Корпоратив

бошқарув тизимини баҳолаш ишлари юзасидан тайёрланган маълумот билан танишириш учун сўз А.Артиковга берилди.

А.Артиков сўзга чиқиб, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш “FTF-LEA-FUDIT” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра жамиятга унга “қониқарли” баҳо берилганлигини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан танишириди (*жамиятни Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича хулосаси ва ҳисобот слово қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш раиси жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича тайёрланган хулоса бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Ўн биринчи масала юзасидан жамиятнинг қимматли қофозлар мутахассиси в.б. А.А.Артиков сўзга чиқиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текшируvida жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳакининг энг кўп микдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан ҳалқаро стандартларга кўра аудиторлик текширувани ўтказилиши бўйича <https://exarid.uzex.uz/> сайтида ўрнатилган тартибда эълон жойлаштирилганлиги, ушбу эълонга асосан қуидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “FTF-LEA-AUDIT” МСНJ - 4 000 000 сўм
2. “Эксперт-аудит” МСНJ - 4 500 000 сўм

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Ўн иккинчи масала юзасидан жамиятнинг қимматли қофозлар мутахассиси А.А.Артиков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг бозорлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолга келтириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида бозор ташкилий тузилмасига баъзи ўзгартиришлар киритилганини қайд этиб умумий йиғилишга тасдиқлаш таклифини киритди.

Йиғилиш раиси жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Ўн учинчи масала юзасидан жамиятнинг қимматли қофозлар мутахассиси в.б. А.А.Артиков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарорида Тошкент шаҳридаги бошқа дехқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда “Фарход дехқон бозори” АЖнинг ҳам шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушкини (ҳокимият улушкини) ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига камайтириш белгилаб кўйилганлиги, шу мақсадда жамиятнинг устав фондида шаҳобчаларни берилиши ҳисобига ҳокимият улушкини камайтириш лозим эди.

Лекин, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир хужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб, устав фондни камайтириш ваколатини жамият Кузатув кенгашига бериш таклиф этилишини билдириди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Ўн тўртинчи масала юзасидан А.Артиков тушунтириш бериб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарорида Тошкент шаҳридаги бошқа дехқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда “Фарход дехқон бозори” АЖнинг ҳам шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушкини (ҳокимият улушкини) ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига

камайтириш белгилаб қўйилганлиги, шу мақсадда жамиятнинг устав фондида шаҳобчаларни берилиши ҳисобига ҳокимият улушкини камайтириш лозимлиги, лекин, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш ваколатини жамият Кузатув кенгашига беришни таклиф этди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Ўн бешинчи масала кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарорида Тошкент шаҳридаги бошқа дехқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда “Фарход дехқон бозори” АЖнинг ҳам шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилишида афилланган битим тузилиши, лекин, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги сабабли жамиятнинг афилланган шахси билан битим тузиш масаласи ваколатини жамият Кузатув кенгашига бериш таклиф этилди.

Ўн олтинчи масала кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарорида Тошкент шаҳридаги бошқа дехқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда “Фарход дехқон бозори” АЖнинг ҳам шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушкини (ҳокимият улушкини) ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига камайтириш белгилаб қўйилганлиги, шу мақсадда жамиятнинг устав фондида шаҳобчаларни берилиши ҳисобига ҳокимият улушкини камайтириш ва жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш лозимлиги, шу сабабли, жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш ваколатини жамият Кузатув кенгашига бериш таклиф этилди.

Кун тартибидаги барча масалаларнинг муҳокамаси тугагандан сўнг овоз бериш натижалари бўйича тайёrlанган баённи саноқ комиссия раиси Г.Фатхуллаева ўқиб эшиттирди (саноқ комиссияси баёни илова қилинади).

Умумий йиғилиш қарор қилади.

1. «Фарход дехқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва Кузатув кенгашининг жамиятни ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича 2020 йил давомида кўрилган чоратадбиirlар тўғрисидаги ҳисботлари тасдиқлансин (43 516 799 та овоз билан);

2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий–хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташки аудиторлик хulosаси тасдиқлансин (43 516 799 та овоз билан);

3. Жамиятнинг 2020 йил молиявий–хўжалик фаолияти якуни бўйича Тафтиш комиссияси ваколатига киритилган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хulosаси тасдиқлансин (43 516 799 та овоз билан);

4. Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисботи тасдиқлансин (43 516 799 та овоз билан);

5. Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича фойда ва заарлари ҳисоб вараги ҳамда унинг фойдасини тақсимлаш тасдиқлансин (43 516 799 та овоз билан);

2020 йилда олинган 1 804 720 665 сўм сўм соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиши тўғрисида”ги қонунининг 2-бўлими 34-моддаси асосида соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаган қисми, яъни 90 250 000 сўми жамиятнинг захира фондини шаклантиришига.

- Жамиятни ривожлантиришига-90.250.000 сўм;

- қолган соф фойда яъни 1624220665 сўм акциядорларга 2020 йил якуни бўйича дивиденд тўлашга йўналтириши

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган “Бизнес – режа”си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси” тасдиқлансин (43 516 799 та овоз билан);

7. Жамият директори Саидов Бохадир Бахтиярджановичнинг меҳнат шартномасини узайтирилишига етарли рози овоз бўлмаганлиги сабабли узайтирилмади (43 516 799 та карши овоз берилди);

7.1. Б.Сайдовнинг 2020-2021 йилдаги мажбурий прогул вақтидаги ойлик иш ҳақи жамият ҳисобидан қоплаб берилсин;

8. Жамият Кузатув кенгаши куйидаги таркибда сайлансин:

Тошкент шаҳар хокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директори Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович (43 516 799 та овоз билан), “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Ижрои директори Ирматов Мурод Абдукаххаровиҷ (43 516 799 та овоз билан), “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директори ўринбосари Акбарходжаев Лазизхон Турапович (43 516 799 та овоз билан), “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи Туляганов Фарход Файзуллаевич (43 516 799 та овоз билан) ва “Паркент универсал савдо комплекси” АЖ мутахассиси Норхўжаев Нозимхўжа Абдуқодир ўғли (43 516 799 та овоз билан);

9. Жамият тафтиш комиссияси (43 516 799 та овоз билан) куйидаги таркибда сайлансин:

Ибрагимова Гулчехра Махкамовна - “Эски жува дехқон бозори” АЖ қимматли қоғозлар мутахассиси, Строгих Венера Салаватовна- “Элга хизмат Фарход фарз” МЧЖ бош бухгалтери, Алимова Мохира Мирилиевна- жамият акциядори;

10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин (43 516 799 та овоз билан);

11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 4 000 000 сўм этиб белгилансин (43 516 799 та овоз билан).

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси киритилган ўзгартиришлар билан тасдиқлансин (43 516 799 та овоз билан);

13. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб, устав фондини камайтириш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин (43 516 799 та овоз билан);

14. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин (43 516 799 та овоз билан);

15. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб жамиятнинг афилланган шахси билан битим тузиш масаласи ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин (43 516 799 та овоз билан);

16. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб жамиятнинг янги таҳирirdагi уставини тасдиқлаш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин (43 516 799 та овоз билан);

17. Жамият ижроия органига акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори ижросини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Йиғилиш раиси

Ганиев Д.И.

Йиғилиш котиби

Артиков А.А.